

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ИДОСТИҶА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 19 (3339)

2000 йил 11 май, пайшанба

Сотувда эркин нарҳда

Бош муҳаррир минбари

КУЧИМИЗГА КУЧ ҚЎШИБ, ҚУДРАТИМИЗНИ ЯНАДА ОШИРУВЧИ ҚУТЛУҒ КҮН

Ўтган йили Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонида бинон Хотира ва Қадрлаш куни жорий этилганди. Бундан икки кун аввал ушбу қутлуғ сана кўп миллатли халқимиз томонидан ҳозирги авлод ҳамда қаҳрамонлиги билан Ватанимизнинг буюк келажагини яратиш имконини берган аждодлар ўртасида алоқалар янада мустаҳкамланиб бораётганини бутун жаҳонга намойиш этган ҳолда кенг нишонланди.

Шу куни пойтахтимизнинг минглаб аҳолиси ҳозирги авлоднинг бахтли келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни ёдга олиш учун Хотира майдонидаги "Мотамсаро она" ёдгорлиги олдига ташриф буюрди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳалок бўлган ўзбекистонликларнинг исм-шарифи ёзилган лавҳалар олдига ўтган ҳаяжонли дақиқаларда кексаларимиз ўз набираларига оловли йилларда дунёни фашизм асоратидан қандай қутқаришганини гапириб бераётганининг гувоҳи бўлдим.

– Мусаффо осмон остида, мустақил юртда яшаб, ўз ҳаётингни ўзинг қуришинг катта бахтдир, – дейишади улар. – Минглаб ватандошларимиз мана шундай кунлар учун ўз жонларини қурбон қилдилар. Мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлаб қолиш учун қўлингиздан келганча ҳаракат қилишингиз зарур. Биз кўрган азоб-уқубатларни илоийм сизлар кўрманглар. Ватанни ҳимоя қилинг, баракали меҳнатингиз билан унинг қудрати, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса кўшинг.

Авлодларимиз ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганини яна бир намойиш этган қутлуғ байрам – Хотира ва Қадрлаш кунинда фахрийларимизнинг шу каби дил сўзларини тинглар эканман, кенг миқёсда ўтказилган тантаналарнинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини чуқур ҳис этаман. Тинч ва осойишта яшашимиз, мустақил ва озод бўлишимиз учун жонини фидо қилган ва бугунги кунда орамизда бўлмаган инсонларнинг муқаддас хотирасини ёдга олиб, кучимизга куч қўшилади. Аждодларимиз жасоратини англаб етишимиз, мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўзлаб бунёдкорлик ишларини амалга оширишимизда билагимизга куч-қувват бахш этади.

Биз кимга тенглашиш ва кимдан ўрнак олишимизни яхши биламиз, зеро аждодларимиз мард ва муносиб инсонлар бўлишган. Бу эса ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, уларда ўз Ватани ва халқига нисбатан муҳаббат туйғуларини уйғотади. Шуларнинг барчаси учун раҳмат сизларга, азиз фахрийлар! Келажагимиз учун жонини фидо қилган инсонлар хотираси қалбимизда мангу яшайди!

Байрамлар келади ва кетади. Аммо авлодларимиз жасорати одамлар юрагида бир умр яшайди. Шу боис, мамлакатимизда халқимизнинг маънавий меросини тиклаш, тарихий ҳақиқатни қарор топтиришга алоҳида эътибор берилаяпти.

Давлатимиз раҳбарлари томонидан мустақил тузум даврида қатғонлик қурбони бўлган инсонлар номини оқлаш бўйича қўрилган чоратadbирлар ушбу йўналишда олиб борилаётган муҳим ишлардан биридир. Шу тўғрисида бугунги кунда Ўзбекистоннинг озодлиги учун жонини қурбон қилган минглаб ватандошларимиз номини билиш имконига эга бўлдик. Ҳар бир исм – мамлакатимиз тарихи, халқимиз тарихи, уларни ўрганиб ўзлимиз, халқимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини билиб оламиз.


Авлодларимиз жасорати, истиқлол тўғрисида бугунги кунда мамлакатимизни ўзимиз обод қилиш, ер қуррасидаги энг ривожланган давлатлар билан тенг шерик бўлиш, тараққиёт сари дадил қадам ташлаш ва яратувчилик ишларида муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўлдик.

Ўзингиз бир кўз олдингизга келтириб кўринг, суверен ривожланиш даврида шаҳар ва қишлоқларимиз киёфаси қай даражада ўзгарди. Яқин ўтмишда тоталитар империянинг хом ашё базаси бўлган республикаимиз мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Айни пайтда ер юзидаги кўплаб давлатлар биз билан ҳамкорлик қилишни фахр деб билмоқда. Биз тенг ҳуқуқли ва манфатли шерикчилик қилишдан мамнунмиз.

Ҳа, юртимизда буюк келажақни барпо этиш йўлида талайгина ютуқлар қўлга киритилди. Йилдан йилга мамлакатимизнинг иқтисодий қуввати ошиб бормоқда. Буюк келажақни яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Буни эътиборга олган кўп миллатли халқимиз олижаноб мақсадлар сари дадил қадам ташламоқда. Кўзлаган ниятимизга тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, ўз ўтмишимизни билиш, авлодлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш орқали эришамиз.

Доноларимиз ўтмишини унутган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди, деб бежиз айтмаган. Шукрки, биз ўз тарихимизни тобора чуқур ўрганиб бораёلمиз. Хотира ва Қадрлаш куни каби қутлуғ байрамларимиз бунда яқиндан ёрдам бераётир.

ДУОЛАР МУСТАЖОБ БЎЛГАЙ



А. САПАРМАТОВ олган суратлар.

Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган тадбирлар ҳақида 2-саҳифада ўқийсиз.



ҚАЕРДАСИЗ,
ГУВОҲЛАР?

Ориф ФАРМОН
ГУНОХ

МУШУКНИНГ ИНИ
САККИЗ МИЛЛИОН СЎМ

KELGUSI HAFTA UCHUN
MUNAJJIMLAR BASHORATI ЦИКЛОКРОССВОРД

ОЙНАИ ЖАҲОН ДАСТУРЛАРИ – ТўЛАЛИГИЧА БИЗНИНГ ГАЗЕТАМИЗДА



ДУОЛАР МУСТАЖОБ БЎЛГАЙ

Шу йил 9 май куни Республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов бошчилигида вазирлик раҳбарлари ва фахрийлари "Мотамсаро она" ёдгорлиги пойига гуллар қўйишди. Улар бир дақиқа сукут сақлаб, уруш қурбонларини хотирлаб бош эгишди.

Сўнг фахрийлар Ички ишлар вазири ўринбосарлари ҳамроҳлигида Форобий қабристонига йўл олишди. Бу маконда эл-юрт равнақи йўлида умрини тиккан, зах-



мат чеккан халқимизнинг кўплаб сеvimли фарзандларининг хилхоналари бор. Улар орасида ички ишлар идораларининг ходимлари ҳам талайгина. Марҳумларни ёдлаб Қуръон оятлари тилловат қилинди, дуои фотиҳалар бажо келтирилди.

Вазирлик раҳбарияти ҳамisha фахрийларга, урушда, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига эътибор бериб келган. Бу галги байрам ҳам истисно бўлмади. "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида уларга атаб байрам дастурхони ёзилди. Иккинчи жаҳон уруши, афгон уруши қатнашчилари пул, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов фашизм билан курашдан омон қайтган, кейин ҳам узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган отахону онахонларга раҳбарият табригини етказди. У жумладан:

— Илоийм сизлар яна кўп йиллар давраларимизнинг файзи бўлиб юринг, сизларнинг борингизга шуқр, дуоларингизни олиб юриш бизга насиб этганига шуқр, — деди.

ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов табрикланди:

— Сизларга ҳам бизнинг умримизни берсин, бизга шунча иззат-икром кўрсатётган экансизлар, сизларга ҳам ўн ҳисса бўлиб келгуси авлодлардан қайтсин,

— деб тилак билдирди.

Ички қўшинлар Бош бошқармаси бадийий ҳаваскорлари ўзларининг уруш мавзусидаги монологулари, куй-қўшиқлари билан ўша суронли йилларни яна бир бор даврадагилар ёдига солди. Ёшлик давралари эсига тушиб, майин мусиқа оҳангига мос рақсга тушганлар ҳам бўлди.

Ҳаётда ғам билан шодлик ёнма-ён бўлганидек, концерт охири шодон куй-қўшиқларга, қизиқчиликларга уланиб кетди. Ёш ички ишлар ходимлари шўх рақосаларга басма-бас муқом қилишди. Қариялар куйга мос қарсақ чалишар экан, ичларида эл-юртга



тинчлик, омонлик, фаровонлик тилаб дуо қилиб ўтирган бўлсалар не ажаб. Ҳадисларда ота-она дуоси ижобат бўлади дейилган. Илоҳим, шундай бўлсин.

Ўз мухбиримиз.

Ўтмишсиз келажак йўқ

ХОТИРА – МАЪНАВИЯТДИР

Бугунги кунда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги "Бўзсув" канали бўйида "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси бунёд этилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу йилнинг 1 ва 8 апрель кунлари Тошкент шаҳар ИИБнинг кўп сонли ходимлари ҳамшаҳарларимиз билан бир қаторда "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида ўтказилган умумхалқ шанбалигида фаол иштирок этдилар.

Юрт озодлиги, халқ эркинлиги йўлида жон тиккан, ғайрат-шижонат кўрсатган авлодларимизнинг кўпчилиги қатогон йиллари шу ерда отиб ташланган эдилар. Бу азиз инсонлар орасида ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳам кўпчиликини ташкил қилади. Уларнинг руҳини шод этиш, хотирасини абадийлаштириш ишларига ўз ҳиссаларини қўйиш ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг муқаддас бурчидир.

Қолаверса, умумхалқ ҳашарида иштирок этиш азалдан савоб иш ҳисобланиб келган. Савоб ишни эса ҳар ким ва ҳар кун қилиши лозимдир.

Бу тадбирларнинг ёш ходимларни маънан тарбиялашдаги катта аҳамияти ҳақида ҳеч ким шубҳа қилмас керак.

Б. ЖАМОЛОВ,
милиция лейтенанти.

ЁДГОРЛИК ОЧИЛДИ

Андижон вилояти ички ишлар бошқармасида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган "Хотира майдони"нинг очилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишга иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, сўнг ИИБнинг турли тизимларида хизмат қилиб, истеъфода чиққан фахрийлар, кексалар, ички ишлар идораларида хизмат қилиш пайтида ва афгон урушида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари тақлиф этилдилар.

Хотира майдонига ўрнатилган "Мотамсаро она" ҳайкалини иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, истеъфодаги милиция подполковниги Акмал Ғозиев очди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиги, милиция полковниги Оқмирзаев бу ерда ҳозир бўлганларни Хотира ва Қадрлаш куни билан қизгин кутлади. Шундан сўнг меҳмонлар байрам дастурхонига тақлиф этилдилар.

У. ЙЎЛЧИЕВА.



Серқуёш диёримизда энг қутлуг байрамлардан бири – Хотира ва Қадрлаш куни, шунингдек фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 55 йиллиги кенг нишонланди.

Авлодлар ўзгариб бормоқда, уруш иштирокчилари сафи тобора камаймоқда. Уларнинг фарзандлари ва неваралари эса ўз ота-боболарининг хайрли ишларини давом эттирмоқдалар.

Тошкент шаҳар ИИБда ушбу айём муносабати билан ташкил этилган маросимга кўплаб фахрийлар тақлиф этилди, машқлар майдончасида шахсий таркиб саф тортиди.

Сўзга чиққанлар иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари шаънига илиқ сўзлар айтишди, бугунги кунда ўз жанговар хизмат бурчини ўтаётган пайтда вафот этганлар номи ҳам ёдга олинди.

Ўтган йил 16 февраль куни фожиали ҳалок бўлган Нурғали Ўрмонов Тошкент шаҳар ИИБ раҳбариятига ўғлининг хотирасини ёдга олгани ва оиласига яқиндан ёрдам бергани учун миннатдорчилик билдирди.

Ҳар қанча қайғули бўлмасин, афсуски, "Мотамсаро она" ёдгорлигидаги мармар лавҳага ўйиб ёзилаётган марҳум ички ишлар идоралари ходимларининг рўйхати давом этаяпти.

БИЗ СИЗНИ УНУТМАЙМИЗ!



Мамлакатимизда кенг нишонланган Хотира ва Қадрлаш куни халқимиз тинчлиги ва осойишталиги учун жонини қурбон қилган қаҳрамонларининг номини асло унутмаслигини яна бир бор намоёйиш этди.

Ўз мухбиримиз.

ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИБ

Тошкент вилояти ИИБ биноси олдида "Мотамсаро она" ёдгорлиги бор. Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қила туриб, бурч ва вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг исм-шарифлари битилган. Хотира ва Қадрлаш кунинда бу ерда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Иккинчи

жаҳон уруши жангоҳларида фашизмга қарши курашган, юртига Ғалаба билан қайтиб, ҳарбий кийимини милиция формасига алмаштирган, юрт тинчлиги ва осойишталиги, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда хизмат қилган отахонлар, бутун фаолиятини милиция хизматида бағишлаган фахрийлар ёдгорлик олдида тўплашиш-

ди. Вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан уюштирилган қутлуг тантанани шунингдек, хизмат вазифасини ўташ чоғида мардонавор ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари ҳам тақлиф этилди. Юракларда қайғу ва алам билан айтиш мумкинки, ёдгорлик деворида битилган рўйхат яна тўрттага кўпайди. Вилоят ИИБ бошлиги, милиция полковниги Ш. Расулов йиғилишда нутқ сўзлаб, ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг хотираси ҳар бир милиция ходимининг, яқин дўст, ёру биродарлари, юртдошларимиз қалбида яшайди, дея таъкидлади.

Тантанали йиғилиш иштирокчилари ёдгорлик пойига гуллар қўйиб, ўтганлар хотираси учун бир дақиқа сукут сақладилар.

Тадбир иштирокчилари пойтахтнинг Форобий ва Минор қабристонларида, шунингдек,

Тошкент туманидаги Қизғалдоқ қабристонига бўлиб, марҳум генераллар Й. Бобожонов, А. Тошметов, М. Шералиев, К. Фафуровларнинг қабрларига гуллар қўйишди.

Тантанали тадбирлар тугагандан кейин кексалар ва фахрийлар Бўстонлик туманидаги Хондойлик қишлоғида жойлашган "Зилола" оромгоҳига бир пиёла чойга тақлиф этилдилар.

— Ёшим саксондан ошди. Тақдир экан уруш фронтларида бўлдим. Урушдан келибоқ милиция хизматида кирдим. Ҳозир иззат-икромданаман. Бунинг учун давлатимиз раҳбарларига катта раҳмат, — деди бўстонликлик фахрий А. Тўйчибоев.

Халқ артисти Ёқуб Аҳмедовнинг ёшлар номидан кексаларга, фахрийларга айтган илиқ сўзлари давомли қарсақлар билан олқишланди. Таниқли хонандалар Ш. Жўраев, М. Азимов ва Ф. Бойтоевларнинг кўшиқлари, айниқса, дилларга манзур бўлди.

Тадбирларда вилоят ИИБ бошлиги муовини, милиция полковниги Ф. Қодиров ИИБ

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

Шунингдек, шу куни "Тошкент – Қўқон" йўлида Тошкент вилояти ИИБ ДАН хизмати пости учун янги бинонинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган янги ДАН маскани биносига ёдгорлик лавҳаси ҳам ўрнатилди. Вилоят ИИБ ДАНБ ИПХ но-зири Абдумажид Норбоев ана шу йўлда транспорт ҳаракатини кузатиб турган пайтда фожиали ҳалок бўлганди. Унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси янги ДАН маскани биносига ўрнатилди.

Тантанали тадбирда вилоят ИИБ бошлиги, милиция полковниги Ш. Расулов, ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-



қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов сўзга чиқдилар.

С. ШАМСИДДИНОВ.
Суратларда: маросимлардан лавҳалар.

А. САПАРМАТОВ
олган суретлар.



Спорт

ИШТИРОКЧИЛАР СОНИ
ОРТИБ БОРМОҚДА

Хотира ва Қадрлаш куни, шунингдек иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалаба куни муносабати билан "Динамо" ФСЖ томонидан анъанавий енгил атлетика кросси ўтказилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу йилги баҳсларда республика солиқ ва божхона кўмиталари, МХХ, Фавкулдда вазиятлар вазири, талайгина югуриш ишқибозлари клубларининг аъзолари, Қорақалпоғистон ва деярли барча вилоятлардан вакиллар иштирок этишди. Югуриш истагини билдирганлар сони 600 нафардан ошиб, рекорд кўрсаткичга эришилди.

Енгил атлетикачилар пойтахтимизнинг марказий кўчалари бўйлаб югуришди. Улар чорраҳаларга етганда Тошкент шаҳар ИИББ ИПХ ходимлари транспортлар оқимини моҳирлик билан бошқариб туришди.

Масофанинг ярми, яъни 5 км. 600 метр босиб ўтилганда етакчилар, ўртада-бораётган ва орқада қолаётганлар кўзга ташланиб қолди. 5-6 кишидан иборат етакчилар гуруҳи тахминан тўртинчи километрга борганда рақибларидан анча олислаб кетишди. Бу суръат мусобақанинг охиригача давом этди.

Шундай қилиб, "Динамо" ўйингоҳига биринчи бўлиб республика Миллий хавфсизлик хизмати вакили А. Алиев етиб келди. У ўздан кейин келаётган рақиби – Андижон вилояти Хўжаобод тумани спорт бўйича жамоат йуриқчиси, динамочи А. Низомовдан анча илгарилар кетган эди. Фолиб 15 дақиқа 48 сония кўрсаткичга эришди. Иккинчи ўрин – 17 дақиқа, 19 сония. Учинчи бўлиб маррага 18 дақиқа 50 сонияда Миллий хавфсизлик хизмати вакили Т. Хусенов етиб келди.

Кучли еттиликка Б. Қурбонов (ИИБ), Д. Раҳмонов ва М. Искандаров (ИИБ Академияси), С. Денисович (ИИБ)лар киритилди. Натижалар чиқарилгач, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган фолибга гилам берилди. Фахрли ўринларни эгаллаган ўн икки нафар югурувчи қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Кроссинг энг кекса, энг ёш иштирокчилари, шунингдек яхши кўрсаткичга эришган қизларга ҳам махсус совғалар берилди. "Динамо" ФСЖ ўсмирлар футбол жамоаси эса немис хомийлари томонидан Ўзбекистон футбол Федерациясига тақдим этилган футбол жиҳозлари ва кийимлар билан мукофотланди.

Тантана иштирокчиларининг гулдурас қарсақлари остида иккинчи жаҳон урушининг бир гуруҳ фахрийлари ва ўша йилларда мамлакатимиз қудратини мустақамлашда иштирок этган кишиларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Бугунги кунда вилоят ИИБ фахрийларидан 13 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Бу табаррук инсонларга бошқарма раҳбарияти томонидан алоҳида меҳр-муруват кўрсатиб келинмоқда. Нафақат байрамлар, бошқа кунларда ҳам уларнинг уйларига тез-тез ташриф буюриб, ҳолаҳвал сўрашапти.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан фахрийлар вилоят ички ишлар бошқармасига тақлиф этилди. Улар да-

стлаб бошқарма қошида ташкил этилган "Хотира музейи"да бўлиб, музей дафтарида муборак дасхатларини қолдиришди. Сўнгра хизмат чоғида ҳалок бўлган милиция ходимлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйишди.

Шундан кейин фахрийлар бошқарма раҳбарияти ва ШТБХХ ходимлари томонидан ёзилган байрам дастурхонига тақлиф этилди. Бир пиёла чай устида уларга Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 мартдаги қарорига биноан бошқарма раҳбарияти томонидан пул мукофоти ва эсдалик совғалари топширилди.

Кеча ниҳоясида уруш ва меҳнат фахрийлари – истеъфодаги милиция полковниги Асил ака Расулов, истеъфодаги милиция подполковниги Эшмўмин ака Нукаров, истеъфодаги милиция майори Жума ота Холлиев, истеъфодаги милиция старшинаси Шер-

мурод ота Бибилов ва бошқалар ўзларига кўрсатилган иззат-хурмат учун бошқарма раҳбарияти ва давлатимиз йўлбошчисига чукур миннатдорчилик билдиришди.

Ортбошимиз айтганларидек, савобли ишни ҳар кун ва ҳар ким қилиши керак. Шундай экан бу каби хайрли ишларни амалга ошириб бориш биз учун энг асосий вазифа бўлиб қолаверади.

С. ПҮЛАТОВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ
бошлигининг муовини,
милиция майори.

Фарғона вилояти ИИБ ҳовлиси 7 май куни ҳар доимгидан ўзгача тус олди. Бу ерга Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан фахрийлар тақлиф қилинди. Шунингдек, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари ҳам унутилмади.

Хотира ва Қадрлаш ку-

нига бағишланган тантанали йиғилишда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Сиддиқов нутқ сўзлади. А. Сағдаров эса фахрийлар номидан гапирди.

Сўнг бошқарма бўлинмаларининг ходимлари фахрийлар олдидан саф тортиб, шахдам қадамлар билан ўтишди.

Бошқарма бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Абдуллаев

тақлиф билан барча тантанали қатнашчилари бир дақиқа сунут сақлаб ўтганларни ёдга олдилар. Шундан сўнг бир гуруҳ фахрийлар, вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқтартибот идоралари вакиллари бошқарма биносига ташкил этилган хотира бурчагига гулчамбар қўйишди.

Шу куни фахрийларга атаб байрам дасрухони ёзилди. Уруш ва хизмат фахрийлари, хизмат вазифасини

бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оилалари пул ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Тантанали қисм туғатч, бошқарма бўлинмаси йиғилари йиғилганларга ўзларининг жанговар тайёргарлик маҳоратларини намойиш этишди.

М. КИМСАНБОВЕВ,
милиция подполковниги.

ХОТИРА ЭСТАФЕТАСИ

Мана икки йилдирки Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси ШТБХХ ҳамда "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташаббуси билан ҳар йили 8 май эрта тонгдан бошлаб Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган узок масофага югуриш бўйича спорт мусобақаси ўтказилмоқда. Бу йилги Хотира эстафетасини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда ўтказилаётган Соғлом авлод йили муносабати билан бу галги эстафета ўзгача тус олди. Унда иштирок этаётганлар ёши ва лавозими чегараланмади. Натижада мусобақа иштирокчилари кўпчилигини ташкил этди. Вилоятнинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларидан тақлиф этилган спортчилар билан бирга, ушбу идора фахрийлари, уларнинг оила аъзолари ҳам бу галги мусобақада ўз кучларини синаб кўришди.

С. АБДУВОҲИДОВ.

ЁДГОРЛИК ГУЛЛАРГА БУРКАНДИ

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти Хотира ва Қадрлаш кунини зўр кўтаринки руҳда ўтказиш учун режа ва тадбирлар ишлаб чиқдилар. Вилоят ички ишлар идораларида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан беш нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, шунингдек, меҳнат фахрийлари байрамга тақлиф этилди. Анъанага мувофиқ байрам иштирокчилари бошқарма ҳовлисидаги ёдгорлик пойига гуллар қўйдилар. Халқимиз ардоғида яшаётган уруш иштирокчилари ва фахрийлар йиғилганларга босиб ўтган йўллари, Жиззах вилояти милициясининг тарихи ҳақида гапириб бердилар. Тантананда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Т. Муллажонов фахрий-

ларга пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар топширди.

Мамлакатимизда ўтаётган ҳар бир маросимда биз фахрийларни йўқлаб, хурмат-эътибор кўрсатаётган ИИБ раҳбариятига, умуман бизнинг ишимизни давом эттираётган, мустақил давлатимизнинг тинчлиги ва осойишталиги учун хизмат қилаётган барча милиция ходимларига миннатдорчилик билдирамыз, – деди иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Э. Абдужалилов. – Биз кексаларни эъзозлаётган давлатимизнинг истиқболи порлоқдир.

Маросим охирида фахрийлар учун дастурхон ёзилди ва санъаткорлар иштирокида байрам кечаси ўтказилди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

Жинойат содир бўлди...

Шу йил 15 апрель куни соат 13 дан 30 дақиқа ўтганда Тошкент–Термиз автомобиль йўлининг 836-чақиримида 35–40 ёшлардаги осий миллатига мансуб кишининг жасади топилди.

Суд-тиббий экспертизаси ҳулосасига кўра, бу фалокат йўл-транспорт ҳодисаси туфайли содир этилган. Мурданинг бош қисми қаттиқ жароҳатланган ва ўнг қўлининг тирсақдан юқори қисми ёпиқ ҳолатда синганди.

Воқеа жойини синчиклаб ўрганиш натижасида ва шу атрофда ишлаётган йўлсозларнинг берган маълумотларига кўра, мазкур йўл-транспорт ҳодисасини қизил рангли "Икарус" русумли автобус содир этган деган тахминга келинди.

Соат бирларда йўлнинг яроқсиз қисмини таъмирлаётгандик, – дейди ўткир Хусанов. – Мендан тахминан 50 метрлар чамаси нарида шеригим ишлаётганди. Тошкент тарафдан келаётган қизил рангли автобус қаттиқ тортиб берди тўхтади...

Унинг сўзини Мурод Исмоилов давом эттирди: – Автобусдан тушган учтўрт киши орқага қараб пиёда юриб боришди. Қарасам, икки киши қўзилиб ётган одамни кўтариб, бетон тўсиқ ортга қўйиб кетишди. Кейин яна автобусга чиқиб жўнаб қолишди.

Афсуски, уларнинг ҳар икковлари ҳам кучли ҳаяжонланиш оқибатида ўша автобуснинг давлат рақам белгисини айтиб беришолмади. Зудлик билан ДАН масканларида рўйхатга олинган ва Тошкент–Термиз йўналиши бўйича ўтган қизил рангли автобусларни аниқлашга киришилди.

Нафсиламбрини айтганда, бу изланишлар бир қоп сомон ичидан нина ахтаришдай гап. Бу йўлдан ўтган

ҚАЕРДАСИЗ,
ГУВОҲЛАР?

автобуслар орасида Сирдарёю Жиззахга, Самарқанду Бухорога, Қаршию Термизга, Урганчга ва ҳатто Нукусга кетганлари ҳам бор.

Давлат автомобиль назорати Бош бошқармаси навбатчилик қисми топширигига кўра, мамлакатимизнинг ана шу вилоятларидаги барча ДАН ходимлари оёққа турди.

Бу ўринда, айниқса, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармасининг бўлинмаси ҳамда Янгийўл тумани ИИБ ДАНБ шахсий таркибининг

хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар роппароса икки кун давомида у ёқдан-бу ёққа ўтаётган ҳар бир транспорт воситасини тўхтатиб текширдилар,



йўловчилардан сўраб-суриштирдилар.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида калаванинг учи топилди. Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи бир ҳамюртимиз воқеага ойдинлик киритди.

У ўша куни бошқа бир автобусда кетаётганида, йўлнинг ўнг томонида номатълум эркак киши қонга беланиб ётганини, чамаси 300–350 метрлар узокликда қизил рангли "Икарус" русумли автобус турганлигини, у давлат тасарруфидаги автобус эканлигини, чунки давлат рақами белги-

си "10" билан бошланиб, яна иккита ҳарф борлигини, қолган рақамларини хотирлай олмаслигини маълум қилди. Унинг айтишича, ўша автобусдан чамаси

25–30 ёшлардаги оқ кўйлак кийган икки нафар йигит пастга тушиб, қонга беланган одам томон кетишаётганди. "Бизнинг автобусимиз тўхтамагани учун воқеа давомида кўролмай қолдим", – дейди у.

Орадан икки кун ўтгач, Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида истиқомат қилувчи, 1979 йилда туғилган Султон Хонсаидов гумондор тариқасида Янгийўл тумани ИИБга олиб келинди. Унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

– "...Отчопар" бозоридан одам олиб, Самарқанд йўналиши бўйича йўлга тушдим, – дейди Султон Хонсаидов. – Янгийўл ДАН масканига яқин қолганимизда, йўл чеккасида турган одам кутилмаганда ўзини автобус тагига ташлади. Рулни ўнг томонга буриб юбордим. Аммо у орқа гилдираклар тагига қолган экан. 500 метрлар юриб тўхтадим. Уч-тўрт киши бўлиб қайтиб келиб, унинг жони узилганлигини сездик. Гангиб қолдим. Атрофимдагилар "Милиция ходимлари тезроқ машинани ҳайданг, йўқса, сизни қамаб қўйишди!" – дейишди. Олдинги ўринда ўтириб келаётган йўловчи эса "Айб сизда эмас, унинг ўзи ўзини автобус тагига ташлади, мен гувоҳман, қаерда бўлса ҳам сизнинг ёнингизни оламан!" – деди.

Гумондор "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг муайян талабларини бажармагани, шу туфайли автофалокат содир этгани ва, ниҳоят, воқеа жойидан қочиб яширинганлиги учун қонун олдида жавоб беради. Аммо бир нарса кишига қаттиқ алам қиларкан.

Маълум бўлишича, ўшанда автобус салони йўловчилар билан лиқ тўла эди. Демак, камида 30–35 нафар одам ана шу фалокатга бевосита гувоҳ бўлган. Аммо уларнинг бирорталари ҳам ҳанузгача кўрган-ке-

чирганлари ҳақида милицияга бир оғиз хабар қилишга ярамадилар.

Гумондорнинг бояги гапларини яна бир карра эсланг: "...Автобуснинг олдинги ўринида ўтирган бир киши сизда айб йўқ, унинг ўзи автобус тагига ташланди, мен қаерда бўлса ҳам сизнинг ёнингизни оламан, – деди..."

Фалокат чоғида саросимага тушиб қолганлар орасида кўкрагини фоз кериб, ўзини адолатпарвар қилиб кўрсатган ана шу "танги" одам қаерда? У ҳам манзилга етиб олгану бояги мардлик туйғуси сўнган, ҳаммасига қўл силтаган, худбинликка таслим бўлиб, "Менга нима!" – деган ҳулосага келган кўринади. Фалокатга гувоҳ бўлган бошқа йўловчилар қани? Улар нега жим? Наҳотки, автобус тўла одам ичида ҳуқуқ-тартибот идораларига келиб, воқеага ойдинлик киритувчи пок виждонли, мард инсонлар топилмас?

Бу жимликнинг ўзаги, бизнингча, совуққонлик, бефарқлик ва, лўнда қилиб айтганда, дёнәтсизликдан бошқа нарса эмас.

Бировнинг дардига шерик бўлмасак, бировнинг кулфатидан изтиробга тушмасак, бировнинг бевақт ўлимидан қалбимиз ларзага келмас, титрамасак – қанақа одам бўлдик?

Раҳмоноли ҚОСИМОВ,
милиция майори.

Жаҳоннинг дурдона эртаклари қаторидан ўрин олган "Тоҳир ва Зухра" эртагида Тоҳирни ватанидан бадарга қилиш учун сандиққа солиб оқизиб юборилади. У эртақда эди, ҳаётда ҳам шундай бўларкан. Ўратепалик Комил билан янгиерлик Тошпўлат қайсидир тўйда бир лаганда ош ейишди-ю, жуда иноқ бўлиб қолишди. Ўртада борди-келди бошланди. Уларни янада ҳам яқинроқ қилган "мисфурушлик" бўлди. Тошпўлат Янгиер атрофидаги қишлоқлардан арзон-гаровга рангли металллар, темир-терсақларни, симларни топади. Комил келиб олиб кетади ва Тожикистонда сотади, пули арра.

Гарчи Тошпўлат айрилган вақтда "молни" топиб турсада, Комил фирромликка ўта бошлайди. Охириги марта Тошпўлат бир машина макулатура ва темир-терсақ тўплаб жўнатди, лекин Комилдан анча вақт хабар бўлмади.

Иттифоқо, Комил Янгиерга келиб, Тошпўлатга йўлиқди ва сохта кўз ёши қилиб, ўзини оқламоқчи бўлди.

Макулатурани аранг ўтказиб пулини олиб кетаётсам, ўғриллар шилиб кўйди. Темир-терсақка бир тийин

САНДИҚДАГИ МУРДА

оололмадим, танишимнинг уйи ёниб кетибди, ҳамма пулни ишлатиб юборибди. Ҳатто болаларимга ҳам пул беролмадим, - дея бошини ҳам қилиб кўзига ёш олди.

Тошпўлат анойилардан эмас, чунки Комилнинг алдаётганини билиб турарди. Унинг оёғидаги янги туфли, эғнидаги охори тўқилмаган костюм-шим Комилнинг найранг қилаётганини исботларди.

Тошпўлат унга ачинган бўлиб, олдиға овқат қўйди, ароқ қўйиб берди. Кайфи ошган Комил гап орасида оддий темир роса пул бўлаётганини, эски трактор моторини неча сўмга сотганини айтиб кўйди.

Сири очилган Комил, бироз талмовсираб қолди. Тошпўлатнинг газаби қайнаб уни бўғишга тушди. Комил айбини бўйнига олиб, кечирим сўрағам ҳам улгурмай жон берди.

Бироздан кейин ўзига келган Тошпўлат мудҳиш ишнинг изини йўқотишни ўйлай бошлади. Миясига келган фикрининг охири нима бўлишини ҳам ўйлаб ўтирмай, тахмонда турган сандиқ устидаги

кўрпаларни тушириб, ўзини бўшатади. Мурдани эски гиламга ўрайди. Мақсад уни сандиққа жойлаб сувга оқизиш.

Ярим тунда аввал мурдани кўтариб Саркисов номли канал ёқасига олиб боради, кейин сандиқни олиб бориб, мурдани жойлайди. Сандиқни кулфлаб калитини каналга отади-да, оқизиб юборади.

Сандиқ узоққа оқиб кетмайди Тошпўлатнинг маҳалласидан ярим чақирим наридаги чўмилиш жойига бориб, қирғоққа чиқиб қолади.

Тезкор қидирув ишлари пухта олиб борилиб, айбдор қисқа фурсатда топилди. Жиноятни очиб ва Э. Тошпўлатни топишда бўлинма ходимлари, айниқса, тезкор вакил, милиция майори А. Шаимовнинг хизмати катта бўлди.

М. КОМИЛОВ,
Янгиер шаҳар ИИБ
ЖҚБ бошлиғи,
милиция капитани.

ИИБ Матбуот маркази хабар қилади

КЎЛИ ҚОН АЁЛ...

Яқинда Бухоро шаҳридаги кўчаларнинг бирида тонготар пайтида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан шу шаҳарда яшаган, ҳеч қаерда ишламаган, Рафиқ Рашидовнинг кўкрагига пичоқ билан уриб ўлдирилган ҳолдаги жиноят топилган. Дастлабки ҳаракатлар натижасида ушбу эсаоятни у билан никоҳсиз бирга яшовчи Елена Симакова биргаликда спиртли ичимлик ичганларидан сўнг ўзаро жанжаллар оқибатида содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

"СОДДАДИЛ" ЙЎЛОВЧИ

Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳридан ғаразли мақсадини амалга ошириш учун йўлга чиққан Улуғбек тўғри Қорасув шаҳрига келади. Яшадан мақсади йўқ кимсага одам ўлдириши, транспорт воситасини олиб қочиши — фарқи йўқ. Мухими, жиноят қилиб бўлса ҳам пул топса бўлди. Хайриятки, унга инсон ҳаётига зомин бўлишдан кўра яп-янги машинани қўлга киритиш ҳисси устун келди. Шахсий таксилар тўхташ жойига келиб ўзича янги "Тисо" қидира бошлади. Ниҳоят Фарҳод Калоновга тегишли машинани нишонга олади. Эгасига Андижон шаҳрига бормоқчилигини, йўловчилар кўпайгунча "Тисо"да мусиқа эшитиб ўтириш нияти борлигини билдиради. Фарҳод соддалик билан автомашинани очиб, мусиқа қўйиб беради ва ўзи беш-ўн қадам нарироқда танишлари олдиға боради. Шу пайт нияти бузуқ Улуғбек Султонов "Тисо"нинг рулига ўтириб, уни олиб қочади.

Ўз вақтида воқеадан хабар топган Андижон вилояти ИИБ ДАНБ ходимлари зудлик билан "Тутуш" тадбирини бошлаб юборадилар ва жиноятчини қўлга оладилар.

ГИЁҲФУРУШЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Навбатдаги оператив тадбирлар вақтида Миробод туманида изғиб юрган ҳеч қаерда ишламайдиган Робит Ўсаров шахсини аниқлаш мақсадида тўхтатилиб, текширилганида, унинг ёнидан 1 кг 304 гр героин гиёҳванд моддаси топиб олинган.

Шунингдек, Уртачирчиқ туманидаги оператив тадбир натижасида эса ҳеч қаерда ишламайдиган Собит Аббосовнинг ёнида 260 гр героин борлиги маълум бўлди.

ҚАЛБАКИ ПУЛ БАРИБИР КУЛ

Миллий валютани, қимматбаҳо қоғозларни қалбақлаштириш ва уларни муомалага киритиш мамлакатимиз иқтисодига жиддий зиён келтиришини билсада айрим нафс бандолари бу каби жиноятларга қўл ураётгани ҳам ачинарли ҳол. Гулистон шаҳрининг Мирзачўл туманида яшовчи Яқуб Мардонов ва Янгиер шаҳрида яшовчи Қобул Алимовлар 69 донга 100 купюралар қалбақи АҚШ долларини сотиш мақсадида олиб кетётганларида ушландилар.

ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Денов туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Исомиддин Ҳақбердиевнинг бежо ҳаракатларини маҳалла кўй аҳли, кўни-кўшилар ҳам эътибордан четда қолдирмасида, нима гап эканлигини билмай ҳайрон эдилар. Аммо, тезкор маълумотларга асосан ички ишлар бўлими ходимлари, унинг уйини холислар иштирокида кўздан кечиришганида бир донга АКМ автомавати, 2 та ўқдон ва 73 донга ўқлар билан топиб олинганида, ҳамқишлоқлари ҳангу-манг бўлиб, ё тавба шу ўзимизнинг Исомиддиникидан-а, дея ёқа ушлади.

Шерали АНВАРОВ,
ИИБ Матбуот маркази инспектори,
милиция старшинаси.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН


Юнусобод тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.



Шухрат Зикруллаевич Саидкаримов, 1968 йил туғилган, Юнусобод тумани Ҳасанбой мавзеси Ш. Қозоқбоев кўчаси 1- уйда яшаган. 1999 йил 6 октябрда уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 180-185 см, юзи чўзиқроқ, қоши қора ёйсимон, кўзи қора, тишлари тўлиқ.

Кийимлари: эғнида оқ кўйлак, қора шим, кўк труси, оқ майка, оёғида калиш бўлган.



Кодир Саидрасулович Иноятов, 1973 йилда туғилган, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, Бахт кўчаси, 21-уйда яшаган. 1999 йил 23 август кuni уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, қоши қора, ёйсимон кўзи қора, бурни тўғри.

Кийимлари: эғнида оқ кўйлак, қора шим, оёғида қора туфли бўлган.



Михаил Васильевич Фоменко, 1938 йил туғилган, Юнусобод тумани, ТошГРЭС кичик тумани, 11-уй, 9-хонадонда яшаган. 1998 йил 24 октябрь кuni уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, юзи чўзиқроқ, бурни тўғри, сочиға оқ оралаган, бошининг юқори қисмида сочи йўқ.

Алоҳида белгиси: ўнг кўзи кўрмайди.

Кийимлари: эғнида кўк футболка, малла синтетик трико, кўк труси, оёқ яланг бўлган.

Юқорида номлари қайд этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Қашқадарё вилояти Нишон тумани ИИБ томонидан Тоштемир Аҳмедов қидирилмоқда. У 1980 йилда туғилган, 2000 йил 11 январь кuni соат 10.00 да Нишон тумани "Нишон" жамоа ширкат хўжалигидаги уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 165-170 см., миллати ўзбек, озгиндан келган, юзи чўзинчоқ, қоши ёйсимон, кўйкўз, бурни қирра тик, сочи қорамтир малла, қулоқлари катта.

Кийимлари: эғнида қизил жемпер, йўл-йўл малла кўйлак, қизғиш футболка, кўк чопон, қора шим, оёғида қора туфли бўлган.

Тоштемир Аҳмедовни кўрганлар Нишон тумани ИИБ-га, 21-413 ёки "02" телефонлар орқали хабар қилишларини сўраймиз.


Жиззах вилояти Зарбдор тумани ИИБ томонидан Нормат Сатторов қидирилмоқда. У 1970 йил Жиззах вилояти Зарбдор туманида туғилган. Зарбдор туманида "Юксалиш" жамоа хўжалиги, Ҳақиқат кўчаси, 19-уйда яшаган. 2000 йил 2 январь кuni ўзи яшаётган уйдан номаълум томонга чиқиб кетиб қайтиб келмаган. 1996 йилдан буён руҳий касал.

Белгилари: бўйи 170-175 см., сочи ва кўзи қора. мўйлови кўримсиз бароқ ўсган.

Алоҳида белгилари: елкасида 2-2,5 см., катталикда холи, чап билагида томорини кесидан қолган тиртиғ бор.

Кийимлари: эғнида йўл-йўл кўк кўйлак, қора костюм-шим, кўк шойидан тикилган чопон, оёғида керзовой этик бўлган.

Нормат Сатторовни кўрган-билганлар яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.



Булунгур тумани

"Юқори нуқта" постида вилоят ИИБ ДАНБ ва туман ИИБ ходимлари томонидан Самарқанд-Тошкент маршрути бўйича кетаётган "Икарус" автобуси тўхтаб текширилганда унинг саломида ҳамда юқонасида 2 тоннага яқин рангли металл борлиги аниқланган. Бу металллар А. О., И. И., О. Н. ларга тегишли бўлган.

Андижон вилоятида истикомат қилувчи Н. Р., М. М. ва К. Б.лар жиноий тил бириктиришиб, Қувасой шаҳар сув хўжалиги бирлашмасига қарашли 143-сонли сув тортиш насоси трансформаторини ечиб ўғирлаб кетаётганларида тунги гуруҳ хизматида бўлган ИИБ, ДАНБ ва кўриқлаш бўлими ходимлари томонидан ушланди. Улардан 780.000 сўмлик трансформатор олиниб, ички ишлар идорасига топширилди.

Андижон шаҳри "Кўшарик" даҳасида истикомат қилувчи, 1978 йилда туғилган Санжар И. билан 1980 йилда туғилган Бахтиёр В. лар рангли металл парчалари харидорлари орқали пул топиш истагида троллейбус симини ўғирлашга қарор қилдилар. Улар тунда шаҳардаги 5-мактабдан Андижон тиббиёт институтигача бўлган масофадаги 140 метрли троллейбус симини ўғирлаб кетиш-

Марғилон "Турон шойиси акционерлик жамияти" 2-тўқимачилик фабрикасида уста бўлиб ишловчи Э. К. ўз иш жойидан ҳеч қандай ҳужжатсиз умумий нархи 478.055 сўмлик 415 метр крeпдешинни ўғирлаб олиб чиқиб кетаётган вақтида кўриқлаш бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Наманганлик Х. М. шаҳар ИИБга мурожаат қилиб, унинг хусусий тегири томонидан 20000 сўмлик ҳар хил ускуналар ўғирлаб кетилганлигини билдирди. Ўғирликни очишда кўриқлаш бўлими милиционери, милиция старшинаси Р. Эрнazarов фаол иштирок этди. Натижа чакки бўлмади, жиноятни содир этган Т. С. ва С. Б.лар ушланди.

Нодирбек БОБОБЕКОВ,
милиция
катта лейтенанти.

ТУНГИ ЎҒРИЛАР

Уша кuni Комил Яшин кўчасида йўловчилар троллейбус хизматидан бебаҳра қолдилар. Ички ишлар бўлими ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида ўғриллар қўлга олинди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда алюмин ва мис парчалари-

натижасида 2000150 сўмлик зарар кўрилганлиги ачинарлидир.

Андижон вилоят ИИБ ва туман бўлимлари тезкор вакиллари бу борада олиб бораётган самарали ҳаракатлари натижасида қонунбузарлар шаҳар бедарвоза эмас эканлигини англаб етадилар, деган умиддамиз.

Саминжон ҲУСАНЗОДА,
журналист.

БЕПАРВОЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА...

Шу йил 19 февралда Тошкентдаги эстрада-цирк коллежи раҳбарияти бизга ўқув юртига тегишли иккита синтезатор ва иккита микрофон ўғирлангани ҳақида хабар берди. Изқуварларимизнинг саъй-ҳаракати билан айбдорлар тез орада қўлга олинди. Аммо улар ўғирланган буюмларнинг баъзиларини пуллаб, ўзлаштириб улгурган эдилар. Қизиги шундаки, жиноят бир ой аввал содир этилган экан. Демак, салкам бир ой на билим юртидаги моддий жавобгар шахслар, на мансабдорлар буни пайқашган.

Бунисиям майли, бу ёғига диққат қилинг. Юқоридаги қилғиликни қилган болалар гуруҳидан яна бир донга флейта ва битта кларнет топилди. Коллеж раҳбарлари "Сизларда бошқа нарса йўқолмаганми?" деган саволимизга бир овоздан "Йўқ" деб жавоб беришди. Ваҳоланки, ҳисоб-китоб дафтарлари бўйича текшириб кўрганамизда бу буюмлар ҳам ўқув юртига тегишлилиги аниқланди. "Бу ёғи неча пулга тушди?" деган саволимизга жавобан омбор мудирини ҳам, бошқа мутасадди ўртоқлар ҳам елка қисидан бошқа жавоб топишолмади. Жавобни мана биз берамиз. Гап шундаки, коллежда моддий буюмларнинг бутлиги қатъий назорат қилинмаган, иш кuni охирида мавжуд омборхона-

ларнинг ҳеч бири муҳрланмаган. Юқоридаги мусиқа асбоблари, микрофонлар синф хонасидан эмас, йўлақдан эмас, нақ омборхонадан ўмариб кетилган.

Энди ўғриллар ким экан дерсиз? Улардан бирови шу ўқув даргоҳининг талабаси, иккинчиси фарроши, қолганлар ана шу икковиға қариндош 15-16 ёшдаги ўсмирлар эди. Коллежда фаррош бўлиб ишлайдиган йигит калит танлаш йўли билан ҳар икки омборхонани очган ва гуруҳнинг бошқа аъзолари ёрдамида юқоридаги буюмларни ўғирлаган.

Энди масаланинг иккинчи томонига келсак. Шу коллеж ўқувчисики ўғирликка бош қўшибди, демак билим даргоҳида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг савияси ҳақида ўйлаб кўриш керакми дейман-да: Фаррошнинг қилмиши-чи? Бу тузини еб, тузлиғига тупуриш эмасми?

Ҳақиқий рўзгор эгаси уйда наинки каттароқ, қўлга илинадиган буюм, бир ўроқ ёки кетмон йўқолса ҳам билади, ўғилларидан суриштиради. Нархи бозорда фалон минг сўм турадиган флейта ёки кларнет бир ўроқ ёки кетмончалик бўлмабди-ми? Синтезаторларни-ку айтиб ўтирмай.

Ҳамма гап шундаки, кўпчилигимиз ишхонамизнинг мол-мулкига ўзимиз пешона теримиз билан топган молимизга ачинганимиздек ачинмайми? Лекин, омбор мудирини айнан мол-мулк бутлиғига мутасаддилигини, раҳбар назорат учун масъуллигини, улар шу хизматлари учун давлатдан маош олишларини унутмасликларни лозим.

Ниятбой АННАГУЛИЕВ,
милиция катта лейтенанти.

DUSHANBA 15

Телеомошабинлар диққатига! Профилактика мусобаботи билан дунба, 15 май «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Олтин оғу». Телевизион ўйин. 15.20 «Футбол шархи». 15.40 «Осилсанг баланд дорга осил». Бадий фильм. 1-қисм. 16.40 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажамиз». 17.40 Болалар учун. «Кувноклар даврасида». 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Сиз уларни танийсиз». 18.30 «Тадсилот». 18.45 «Музыка бекати». 18.50 «Бахтли воқеа». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Биржа ва банк хабарлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Эр киши элим дейди». Телемактуб. 21.25 «Кўшигимиз Сизга армуғон». Мусикий дастур. 21.55 «Майнавият» дастури. 22.35 «Живз ва Вустер». Телесериял премьераси. 7-қисм. 23.25 «Ахборот». 23.55 «Ўтган кунлар». Бадий фильм. 1.30-1.35 Ватан тимсоллари.



9.00 «Давр тонги». 10.00 Кўрсатувлар дастури. 10.05 «Янги авлод»: «Уй вази-фаси», «Шум болалар». 10.55 «Мусликий лахзалар». 11.05 «Давр». Хафта ичида. 11.45 Ҳужжатли кино бисотидан. «Риштон мўъжизалари». 12.00 «О, ёшлигим». 12.20 «Хотира». Бехбудий. 12.30 «Олтин мерос». 12.45 «Ешлар» телеканалда: «Спорт-2000». 13.35 «Мусликий лахзалар». 13.45 Баҳодир Йўлдошев театри: Тоғик ал-Ҳаким «Ғаройиб оқшом». 14.50 «Мусликий лахзалар». 15.00 «Солиқ ҳақида сабоқлар». 15.15 «Ешлар» телеканалда: «Спорт-2000». 15.55 «Мусликий дастур». 16.25 «Ешлик формуласи».

16.45 «Муҳаддас туйғу». 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Янги авлод» почтаси, «Мультмоша». 17.35 «Ўзбегим кураши». 18.00 «Ватан мадхи». 18.10 «Дунёга йўл». 18.30 «Эски альбомдан». 18.35 «Ешлик баёзи». 18.40 «Танишинг: Аъзамжон Мирзоулугов». 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 «ТВ-анонс ва Эколаш». 19.35 «Душанба дастуридагилар ва бошқалар»: «Истеъдод-2000», «Таквим». 20.05 «Қишлоқдаги тенгдошим». 20.25, 21.20, 22.30 Эълонлар. 20.30 «Доктор Финли». Телесериял. 21.25 «Бир ўлка-ки». 21.50 «Мусликий лахзалар». 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 «Мусликий лахзалар». 22.40 «Эколаш». 22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериял. 23.30 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Хафтанинг энг яхши учрашуви. 0.00 «Давр». Ахборот дастури. 0.15 Интерфутбол. Хафтанинг энг яхши учрашуви. 1.15 «Шарқ эстрадаси». 1.30-1.35 «Тонг юлдузи».



17.25 Кўрсатувлар дастури. 17.30 «Эхтиром ила». 18.00, 21.00, 22.30, 23.35 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви. 18.20 Телегазета «Экспресс». 18.45, 19.50 «Табриклаймиз-кутлаймиш». 19.30 «Сен ҳақингда ва сен учун». 20.30 «Спорт-тайм». 20.50 «Мусликий лахзалар». 21.20 ТТВда сериал: «Қора дур доналари». 22.00 Телегазета «Экспресс». 22.25 Оханглар ва эълонлар. 22.50 ТТВда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар». 23.55 «Хайрли тун, шахрим!».

15.55 Кўрсатувлар тартиби. 16.00-17.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 17.00 Мультчархпалак. 17.20 «Маски-шоу». 17.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.55 «Дил изхори». РЖТ.

18.35 «Тотли оғу». Сериал. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.00 «Время». 20.40 «Махфий ҳужжатлар» (X-files) сериали. 21.35 «Соккер-клуб». 22.00 «Вести». 22.30 «Дил изхори». 23.00 Кинематограф. Бадий фильм. 00.10 «Ахборот» (рус тилида) 00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!».



Соат 18.00 гача профилактика. 18.00 Дахтуринг очилиши. 18.05 «Телехамкор». Фойдали газета. 18.25 «Дундикча». Телесериял. 18.50 «30-канал» да премьераси. «Қалблар қироличаси». Телесериял. 19.35 «Телехамкор». Фойдали газета. Метеохабар. 20.00 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.00 «30-канал» кинооқшоми. «Шайтонваччалар». Саргузашт детектив (АҚШ). 22.45 «Имконият чегарасида». Фантастик сериал (АҚШ). 23.30 «Латифани эшитдингизми?» Хажвий дастур.




Мана, унинг дактилоскопия ва совуқ қуроллар бўйича эксперт бўлиб хизмат қилаётганига ҳам беш йилдан ошди. Абдужалил М. Раҳмонов, К. Эргашев каби устозларидан бу нозик касб сир-асрорларини кунт билан ўрганди. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос жиҳатлари бўлади. Жиноят-қидирув хизмати кишидан тез фикрлашни, ички сезгини, ҳаракатчанлиқни, участка инспекторлиги одамларга эл бўлиб кета олишни, кўнгилларга кўл сола билишни талаб этади. Экспертиза-криминалистика соҳаси-чи?

— Бу касб эгалари сабрли, ҳафсалали, эҳтиёткор, эринчакликдан йироқ бўлиши керак, — дейди Абдужалил қилимсираб.

Кўпчилик билса ҳам айтай, ҳеч бир кишининг бармоқ излари бошқа бировники билан айнан бир хил бўлмас экан. Аммо уларни фарқлай билиш, аниқроғи, жиноят жойида қолдирилган бармоқ изининг кимга тегишлилигини аниқлаш кўпчилик ўйлаганчалик осон эмас. Шошмашошар одам излардаги битта ёки иккита ўхшашликка қараб дарров хулоса чиқариб юбориши мумкин. Ваҳоланки, инсон тақдири ҳал бўлаётганини юракдан ҳис қилган ходим ўз ишига ўта масъулият билан ёндошади. Абдужалил ана шундай мутахассислар сирасига қиради. Бошлиқлари унинг сўнгги йилларда ўтказган экспертизаларидан бирортасининг натижаси тасдиқланмаганини эслашолмайди.

Баъзан воқеа жойида бармоқ излари қолмаслиги мумкин. Топқир эксперт дарров ҳафсаласи пир бўлиб, кўл силтаб қўя қолмайди, у бошқа изларни — масалан оёқ ёки

Шундай хизмат бор

Икзуварлар ҳақидаги саргузашт фильмларнинг, асарларнинг аксариятида эксперт-криминалистлар образлари аҳён-аҳёндагина кўришиб қолади. Ваҳоланки, жиноятларни очишда бу заҳматкаш кишилар жуда катта, баъзан ҳал қилувчи роль ўйнайди.

пойабзал изларини ахтаради. Умуман изсиз жиноятнинг, жиноятчининг ўзи бўлмайди — экспертнинг усталлигига кўп нарса боғлиқ.

Албатта, қолдирилган излардан нусха кўчириш ҳам катта санъат.

— Гоҳо жиноят жойига биринчи етиб келган кишилар, ҳатто ички ишлар ходимлари ҳам ўзлари билмаган ҳолда зарур изларнинг ўчиб, босилиб кетишига, қидирув ишига халақит берувчи излар пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун жиноятнинг тезроқ очилишини истаган кишилар эҳтиёт бўлишлари, бошқаларни ҳам шунга қақришлари керак, — дейди Абдужалил.

Хуфиёна, яъни гувоҳларсиз содир этилган жиноятларни фош этишда қолдирилган излар жуда аҳамиятли. Ўтган йили Навоий азот ишлаб чиқариш бирлашмасида ўғирлик юз берди. Корхона ишчисининг жавонида турган кийими чўнтагидан беш минг сўм олиб қўйилган эди. Гувоҳлар йўқ, жабрланувчи кимдан гумон қилишга ҳайрон. Воқеа жойини обдон текширган Абдужалил кийим жавони эшигида янги қолган барча бармоқ изларини суратга олди. Тадқиқотлар натижасида бармоқ изларининг айримлари жабрланувчининг дугонасига тегишлилиги аниқланди. Уларнинг жавонлари ҳам ёнма-ён жойлашган эди. Гумондор айбини бўйнига олди.

... Ҳа деганда кимёгар-экспертлик ўрни ҳам бўшайвермади, Абдужалил ҳам аллақачон дактилоскопика меҳр қўйиб улгурди. Энди баллистика бўйича ихтисосни эгалламоқчи. Шу кунларда тегишли адабиётларни иштиёқ билан ўрганапти. Вақти-соати келиб, имтиҳон топшириб, бу соҳада ишлашга ҳам рухсатнома олади. Бир йилгитта қирқ хунар оз дейишади-ку. Қолаверса, умумий иш учун зарур бўлганда “буни биламан, унисини билмайман” дейиш ўзига ҳам ноқулай. Балки, бу мақола чоп этилганда Абдужалил аллақачон имтиҳонни муваффақиятли топшириб, ҳужжатини қўлга олган ҳам бўлар. Кишида иштиёқ, қобилият, интилиш бўлса, у албатта мақсадига эришади. Милиция катта лейтенанти Абдужалил Расуловда эса юқоридаги фазилатлар етарли.

Бобомурод ТОШЕВ.

ТОҲИРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Тошкент вилояти ИИБ Янгийўл шаҳар вояга етмаганларини қабул қилиш тақсимлаш-транзит муассасасига 2000 йил 10 апрель кунни милиция ходимлари томонидан олиб келинган Тоҳир Абдуваҳобовнинг яшаш жойи, ота-онаси ва яқин қариндошлари қидирилмоқда.

У тахминан 6 ёшларда, татар миллатига мансуб, яшаш жойини аниқ билмайди.

Белгилари: бўйи 110-120 см, кўзлари жигарранг, қошлари ва сочлари қора, дўнг пешона, лаби юпқа, юзи чўзинчок, бурни пучуқ, қулоқлари ўртача катталикда.

Кийимлари: эғнида кўк-қизил кофта билан, қора шим, оёғида қора туфли бор.

Тоҳирнинг ота-онаси, қариндошлари Янгийўл шаҳар вояга етмаганларини қабул қилиш тақсимлаш-транзит муассасасига мурожаат қилишлари мумкин.

БУРЧГА САДОҚАТ

...Суд зали. Илгари ўғрилик қилгани учун қамалиб чиққан шахс устидан суд жараёни кетяпти. Судланувчи тез-тез заҳа қараб, дам қошини учиради, дам кўзини қисади, бошини сарак-сарак қилади. Бунни сезиб турган соқчи милиционер Муроджон Бурхонов ҳушёр тортиди. Чунки, бу имо-ишоралар бекорга эмасди. Танаффус пайти-

да судланувчи ҳожатга олиб боришларини сўради. Муроджон уни кузатиб борар экан, ҳеч бир ҳаракатини назардан қолдирмади. Қўлидаги кишан ечилиб ҳожатхонага кираётган судланувчи бироз эгидди-да, ерда ётган дарахт баргини олди. Муроджоннинг кўнглида шубҳа уйғониб, дарров унинг қўлидан баргини олди. Суд-

ланувчи бекорга эгилмаган экан. Барг тагига кимдир наша кўйган экан.

Милиция ходимининг ўта сезгир ва ҳушёр бўлишини шогирдларига ҳар гал таъкидлар экан Муроджон ана шу воқеани ҳикоя қилиб беради.

— Ҳаётда шу касбни танлаганимдан жуда мамнунман, — дейди Фарғона вилоят ИИБ ЖТСБ хо-



дими, милиция старшинаси Муроджон Бурхонов. — Инсон бирор нарсга интилиб яшар экан, унга эришганида ўзини бахтиёр ҳис этади. Мен ёшли-

гимдан милиция ходими бўлишни истардим. Армия сафидан қайтганимдан кейин, бироз жамоа ҳўжалигида ишлаб юрдим. Отам, ўғлим далада ишлаб кам бўлмадим, сен ҳам деҳқончилик билан шуғуллана қол, дедилар. Лекин, мен милиция хизматида ишлаш истагим борлигини айтиб, Фарғона шаҳар ички ишлар бўлимига ариза билан бордим. Мана шунга ҳам йигирма саккиз йил бўлибди.

Муроджон Бурхонов жамоада тажрибали, кўпчиликка ўрнак бўлаётган ходимлардан. Унинг ички ишлар идораларидаги хизматлари муносиб тақдирланиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари берилган. Энг муҳими у маҳаллада, ёр-дўстлари орасида муносиб обрў-эътиборга эга.

М. КИМСАНБОВ.

Шифокор маслаҳати

СОҒ БУЛАЙ ДЕСАНГУЗ

● *Инсон саломатлиги учун энг фойдали кийим пахта, ипак ва жуни матолардан тикилган кийимдир.*

● *Иссиқ чойда, қайноқ сувда асал қуяди. Шунинг учун уни илқ чойда ёки сувда эритиб истеъмол қилинган маъқул.*

● *Эрталаб уйқудан тура солиб нонушта қилманг, орадан кам деганда бирор соат вақт ўтсин.*

● *Овқатланган заҳотингиз уйқуга ётманг, орадан 1-1,5 соат вақт ўтсин.*

● *Оёқ-қўл томири тортишишига шамоллаш, ҳаракатнинг камлиги, камқувватлик сабаб бўлиши мумкин.*

● *Ухлаш олдидан яхши ният ва орзулар қилиб ётилса, соғлиққа ижобий таъсир кўрсатиб, иш ўнгидан келар экан.*

● *Бадантарбия билан шуғулланиш соғлиқнинг гаровидир.*

● *Женьшен илдизини майдалаб, ун қилиб, узум шарбати билан 1-2 ош қошиғида ҳар куни наҳорда истеъмол қилинса, фойдадан холи эмас.*

● *Тоза ҳаво ва яхши ҳид руҳни озиклантиради, соғлиқни мухташамлайди.*

● *Югуриш руҳингизни тетиклаштиради, фикрингизни равшанлаштиради.*

● *Тузи паст овқат ейишга ўрганинг.*

● *Иссиқ ва юмшоқ нондан сақланинг, офтобда қотирилган нон саломатлик гаровидир.*

Абдусаттор АБДУРАЙИМ ўғли,
нафақадаги шифокор.

МУХАББАТ

Катра

Тун уйқусиз кечди. Салқин-салқин шабада ўйин қилди. Ойнинг маъюсликка монанд чехраси теварагида юлдузлар гиргиттон бўлди. Толиққан кўзлар пир-пир учди. Аммо, ўжарлик қилдим. Иродам кўз юмгали кўймади. Ўқсик кўнглим қоғоз, қалам билан овунди. Рухимдаги умидлардан битиклар қилдим. Бирок, барибир юрагимнинг аллақайси пучмоқлари кимсасиз хиббондек хувиллаб қолаверди. Узоқ ўйларга берилдим. Масрур дамлар ёдланди гўзал шеърдек. Унсиз нолалардан тўлғона-тўлғона ниҳоят, яшнаган бир гулдек Сени кашф этдим шунда. Кашф этдим тамом, Сенга гадо бўлдим. Шодлигимдан кўзларга жилолар келди. Энди тимсолингни аён билардим. Оромимнинг асл ўғриси Сенсан. Вақт ўтиб турна мисол яна қайтишинг мафтункор эди. Юрагимни макон этганимдан маъсум сезаялман ўзимни. Қара, пайқагандирсан, сўзларим ҳам қовушиб-қовушмаяпти. Сен нўноқлигимни айбга буюрма. Қаршингда ҳаяжондан титраб-толиқиб турган бор тусим шу десам инон. Ҳозир ҳасрат куйчиси бўлмоқчи эмасман. Қудратинг олдида ожизлик холос. Мени эслаб унутилиб кетай деган мўъжаз кулбам эшигини қоққанимдан мамнунлигимни билсанг эди.

Сен-ла нафас олиб азобим битди. Кўксимда бандидек қамалиб ётган ҳислар уйғониб озодликка эришган куш каби ҳур-ҳур учади.

Кел, келақол, кўксимга бошингни кўй, орзу қилганимиз энг покиза дамлар ниҳоят бизники бўлсин. Биргаллашиб боғдаги қалалаклар ўйинини томоша қилайлик, нақадар суюқ улар. Нолон қоламан уларни кўриб. Шунчаки тарк этиб кетишдан азиятдалигимни бу ярим шикаста кўнгил яхши англайди. Сен фақат бегуборликни менга юпанч этдинг деб савдойи киши кўйига тушаётганим йўқ асло, аксинча, юрак асл охларини ўзи тушуниб, англаётганидан беадад шодман. Сени дилма-дил юришингни эслайману фариб бошим яна кўкларга кўтарилди. Содиқ юракларда кезишининг ўзида самовийлик бор билсанг. Самовийлик эса — сир. Сирли навоинг мафтунни кўнглим бўлди. Қаршингда кучсизман, тилсизман бу беҳиёнат гап. Биргина ўтинч бор, тилак ва ҳасратлар билан бирга боғланиб бағримга келдингми бир умр унутгин орта қайтишни...

Мирзаумар ХАЛИЛОВ.

Жиноят-қидирув хизмати воқеалари

Фирма очиш учун давлатдан саккиз миллион сўм кредит олиб, иш бошлаган гуруҳнинг фаолияти бироз юришмай қолади. Кейин улар пулни ўзлаштиришга тушадилар. Гуруҳ аъзоларидан Я. Соли қилган ишлари жиноят эканини сезиб, қочиб кетади. Уни излаш анча давом этди. Лекин қаёққа ҳам борарди. Қорақамиш мавзесидаги уйларнинг бирида яшириб ётгани ҳақида хабар топдик. Гуруҳни бошлаб ўзим бордим. Айтилган манзилдаги уйнинг эшиги ташқаридан қулф эди. Суриштирсак хонадон эгалари эшикни таш-

қаридан қулфлаб ўзлари қўшнинг уйдан киришар экан. Биз ҳам қўшни томондан кириб бордик. Келгани-



**МУШУКНИНГ ИНИ
САККИЗ МИЛЛИОН СЎМ**

миздан хабар топишганим, ёки эҳтиёткорликми, ҳар қалай хонадонда осудалик эди. Хонадон эгасига ўзимизни таништирдик ва муддаомизни айтдик. Кексагина

киши ўзини ҳеч нарсдан беҳабардай тутди ва хоналарни текшириб чиқишга рухсат берди.

Хоналарни кўздан кечирдик, навбат том ва чордоқ-

ларга келди. Чордоққа кўтарилаётганимда кекса киши менга қараб:

— Мушугимиз болалаганди, безовта бўлади, — деди ўзи безовталаниб.

САЛОМАТЛИК ФЙДОЙЛАРИ

Биз апрель ойида Намангандаги Республика ИИБга қарашли Физиотерапевтик шифохонага бемор ҳолда келдик. Дардимизни даволаш асосан физиоулажалар ва маъданли сувлардан фойдаланган ҳолда олиб борилмоқда. Махсус лаборатория маълумотларига қараганда бу ердаги маъданли сув таркибида тош ва умуртқа, буйрак, бўғинлардаги тузларни эритувчи моддалар бор. Умуртқа погонасидаги касалликларни даволашда ф у н к ц и о н а л "кровать"дан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Маъданли ванна, сув ости массажи, ваннаси, юқори босимдаги айланма душ, иссиқ шам, электр сандаллар, игна билан даволаш кабилар кенг қўлланиб, касалликларни даволашда яхши фойда бермоқда. Шунингдек, шифохонада халқ табobati усулларидан зулук, асалари, игна билан муолажа қилиш, бепуштик касаллигини даволашда эса маъданли сувдан фойдаланиш мўлжалланмоқда. Шифохона бош ҳакими ички хизмат капитани Нейматжон Фафуров раҳбарлигидаги

шифокорлар жамоаси ўз касбида моҳирлиги, хушмуомалалиги билан бизда алоҳида таассурот қолдирди. Ушбу шифохонада озодлик ва орасталикка, даволаш муолажаларининг узлуксиз ва сифатли олиб борилишига катта эътибор берилар экан. Ҳакимлардан бўлим бошлиғи Сарваржон Маматқулов, Сарваржон Юнусова, Элмирахон Исоқова, Турғунпўлат Шокиров, Иброҳим Мамажонов, Бахтиёр Мирзаев, Адҳамжон Жамиллов, Аниса Ёдгорова, Фарҳоджон Бойзақов, Лайло Исмоилова, ўрта медицина ходимларидан Назирахон Жабборова, Мунира Жўраева, Гулнора Ибрагимова, Шаҳодат Муборақова, Чўлпоной Тўйчиева, Инга Митина ва бошқа ходимларнинг хизматидан мумнун бўлдик. Овқатланиш хоналарида ҳар бир беморга юқори савияда хизмат кўрсатилиб, таомларнинг ранг-баранглиги ва тўйимлиги эриштиляпти.

Кутубхона, кинозал, газета дўкончалари, сартарошхона мунтазам ишлаб, телевизор, радио дунё янгиликларидан огоҳ этиб турибди.

Инсоннинг энг қимматбаҳо бойлиги — соғлигини тиклашдаги беминнат хизматлари учун ушбу муассаса ишчи-хизматчиларига ўзимизнинг ташаккуримизни билдирамиз.

Даволанувчилар — ички ишлар идоралари фахрийлари ва ходимлари:
Э. МҮМИНОВ, В. ИЗМАЙЛОВА, А. ЮЛДАШЕВ, А. РАҲИМОВ, С. ХОЛМИРЗАЕВ, А. ТУРҒУНБАЕВ, Н. ХАЛИЛОВА, Ю. АҚБАРОВ.

ҚИРГУЛИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Ёши ўттизга ҳам кирмаган Шухрат қамоқ жазосини ўтаб ҳам ақли кирмади. Ҳалол ишлаб ҳаёт кечирини буйни ёр бермай ҳар қандай қабиҳликдан ҳам қайтмай пул топиш, маншат қилиш дардида елбюгуриб йигирма бир ёшли Отабекни тузоғига илтирдирди ва уни авраб катта пул ишлаб олиш ваъдаси билан ўз йўлига солди. Шухратнинг тузган режасида яна бир киши керак эди. Бунинг учун у ёшгина Кристинани танлади. Ота-онаси уйдан бадарга қилган бу қиз Шухратнинг таклифига дарров кўна қолди.

...Эшик кўнгириги жирингалангани эшитган Евдокия Николаевна кўнгли бир нимани сезгандай хавфсираб эшик тирқишидан қаради. Ёшгина қиз турганини кўриб, бироз енгил тортиб эшикни очди. Шу тобда икки йигит уни итариб ичкарига олиб киришди. Аёл бечора ҳеч нимани тушунмай тургани, Шухратнинг дўқидан кейин ўзига келди.

— Топган-тутганларингни дарров олиб чиқ, бўлма-са, жаҳаннамга жўнайсан.

Аёл ялиниб-ёлвориб йиғлай бошлади:

— Майли ҳамма нарсаларни олинглар, лекин менга ва қизимга тегманглар.

Аёлнинг илтижоларига қулоқ солмадилар. Унинг бир неча ерига пичоқ уриб ўлдиришди, қизини эса бўйнига қаттиқ уриб жароҳатлаб, уйни "тозалаб" кетишди.

Кристина "акаларини" айтилган жойда қутиб олди. Шухрат "ўлжалар"ни сотиб пулини бўлиб олишга элтишиб, кўпдан бери йўқламай кўйган жазманининг уйига жўнади.

Бу орада қўни-қўшиллар воқеадан хабар топиб, милицияга кўнгирик қилишди. Қирғули тумани ИИБ навбатчилик қисмига етиб келган хабар тезкор гуруҳни оёққа тургазди. Жиноят содир этиб, беркиннишга ҳам улгурмаган гуруҳ тезда қўлга олинди.

М. КИМСАНБОВ.

БЕДАРАК ЙУҚОЛГАН




Янгийўл тумани ИИБ томонидан Хасилова Сарвар бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда. У 1942 йилда туғилган, Янгийўл тумани Эски қовунчи қишлоғи, Экскаватор кўчаси, 91-уйда яшаган. 2000 йил 14 февраль куни уйдан Тошкент шаҳрига кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160–165 см атрофида, тўладан келган, юзи чўзиқроқ, сочлари узун, тўқ жигарранг оқ аралаш, қошлари ингичка ёйсимон, кўзлари тўқ жигарранг ва ўртача катталиқда, бурни ўртача катталиқда, пастки лаби қалинроқ, қулоқлари ўртача катталиқда.

Кийимлари: эғнида қора чарм плашч, бошида жигарранг қалин жун рўмол, оёғида қора рангли туфли бўлган.

С. Хасиловани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан Бекзот Байназов қидирилмоқда. У 1962 йилда туғилган, Янгийўл тумани, Жамбул кўрғони, Вокзалолди кўчаси, 45-уйда яшаган. 2000 йил 20 март куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-

175 см., озгин, сочи калта оқ оралаган, қоши сийрак, бурни қийшиқроқ, лаби қалин, энгаги, кўзлари, оғзи катта, шалпангқулоқ.

Бекзот Байназовни кўрган ёки у ҳақда маълумотга эга бўлганлар яқин ўртадаги милиция бўлими ёки 02 телефони орқали хабар беринг.

Уни машинадан сугуриб кўллари қайирдилар. Заби-хулло унинг бўйнига зарба берди, Шавкат қорнига теп-ди. Қаллоб гангиб қолди, лекин ўзини ўнглаб олиб Забихуллони тепиш учун ўнг оёғини баланд кўтарди. Заби-хулло унинг ердаги чап оёғига тепди, қаллоб худди ўрилгандай гупиллаб йиқил-ди. Бироқ дарров ирғиб тур-ди ва қаршисидаги Шавкат-га отилди. Шавкат икки қўллаб пастдан иягига урди. Қаллоб чайқалди. Забихулло унинг кўллари қайириб, бинонинг ён томонига олиб ўтди. У томонда деразалар йўқ, воқеани одамлар кўрол-мас эди. Қорнига калтак еган қаллоб букчайиб деворга су-яниб ўтириб қолди.

— Хўш, гап бундай, шеф... Ҳа, отинг нима эди? — сўра-ди Забихулло.

— Жаббор.
— Ҳозир ўша зўр ўртоқ-ларингни топиб берасан! — деди Забихулло энгашиб унинг башарасига газаб бил-ан тикилганча.

Қаллоб алланималар деб гўлдиради, Шавкат унинг иягидан ушлаб бошини кўтарди.

— Топ, нима, ҳамма кал-такни бир ўзинг емоқчимис-ан? — деди у масхараомуз. — Пулни бўлашиб егансизлар-ку!

— Қанақа пул? — сўради Жаббор кўзлари олайиб.

— Ие, талмовсирама, ана-ву чиройли хотин топиб ке-ладиган пул-да. Биз ҳамма-сини суратга тушириб юр-ганмиз. Топ, бўлмаса бўйнингни узиб ташлайман!

— Тур ўрнингдан! — Заби-хулло Жабборнинг биқини-га тепди. — Бўл!

— Яна емоқчимисан? — Шавкат унинг қулоғидан чўзиб тургади. — Қани, ше-рикларингни кимга бошла! Бўл, бўл!

Жаббор бинолар оралаб йўл бошлади. У шеригини топиб беришни ўзига ягона

нажот деб ўйларди. Уч-тўртта бино ёнидан ўтдилар. Тўрт қаватли бино қаршисига ет-ганда Жаббор қадамни се-кинлатди ва иккиланиб ор-тига қаради. Кейин подъезд-га кирди-да, бир хонадон эшиги кўнғироғини устма-уст босди. Эшик очилиб, у-ниқиб, гижимла-ниб кетган башара кўринди. У ё роса ичган, ёки наша чекиб олганди — гандираклар турар-ди.

— Э, Жаба, сен-мисан? — деди у палағда овозда. — Кечир, мен борол-мадим...

Забихулло Жаб-борни зарб билан ичкарига итарди. Уччовлари хонага бостириб кирдилар. Уй эгасининг кўзлари олай-ди, эсанкираб гандиракларди: — Кимсизлар? — сўради оғзидан сўлаги оқиб.

Шавкат уни туртиб юбор-ди. Уй эгаси чақчайиб унга рўпара бўлганди, пешанаси-га кафти билан урди ва деди: — Кимлигимизни ҳозир биласан!

Уй эгаси гандираклаган-ча ичкари хонага югуриб кириб столдаги пичоққа ёпишди. Забихулло унинг қўлига тепиб пичоқни учир-иб юборди. Муштлашув бошланди.

— Алиш, ясаб ташла! — деб бақирди Жаббор уй эга-сига.

Алиш дегани ҳам жанг кўрганлардан эди, ёввойи мушукдай олишди. Лекин Забихулло билан Шавкат уларни сулайтириб ташлади-лар. Энди иккала қаллоб қобил-мўмингина бўлиб ўтирардилар.

— Хўш, қалай? — деди Шавкат шишган кўзини уқалаётган Алишга. — Отинг Алишерми? Агар тирик қол-санг, отингни ўзгартириб ол, ҳезалак! Шундай улуг номни позор қилма!

— Хўп, бўпти, — дея унинг

гапини бўлди Забихулло. — Учтинчи шерикларингни то-пинлар! Тез! Телефони бор-ми, дарров чақир!

Қаллоблар бир-бирлари-га саволомуз қарадилар, кейин индамай ўтираверди-лар. Шунда Забихулло Алиш-ни тепиб икки метрга учи-

бихулло ирганиб. — Олган пулларингни икки барабар қилиб тўлайсанлар!

Алиш нима учун ушлаш-ганини фаҳмлаб ўтирган бўлса ҳам бу гапдан кейин қаттиқ безовталаниб қолди. Эшик кўнғироғи жирингла-ди. Алиш қийналиб ўрнидан

ги бўйича орттирган усулла-ри устун чиқди. Уч қаллоб бурчак-бурчакка думалаб қолди.

— Мана шунақа, мард-одам ўз тенги билан мушт-лашиши керак, — деди За-бихулло ҳансираб.

— Энди буларни нима қиламиз? — сўради Шавкат. — нариги ду-нёга жўнатиб қўя қоламиз. Бу паразит-лар кимга ҳам керак? Фақат зарар етказ-ди.

— Яхшиси, — деди Забихулло, — қўл, оёғини синдириб мажруҳ қилиб таш-лаймиз.

Миржалол инграб кимирлади-да, базўр тирсагига таянди, лаблари-ни ялаб ўрисча оҳангда ўзбекчалаб деди:

— Сизлар анаву фирмач-нинг одамларими?

— У сен айтгандақа фир-мач эмас, меҳнати билан кун кўради, — деди Забихулло.

— Энди у қамоқда бўла-ди.

Забихулло тушунмади ва унга дўқ урди:

— Сен ифлослар қамоқда бўласан!

— У Неллани ўлдириб қўйди, милиция келиб уш-лади, — деди Миржалол ихраб.

Ҳамманинг онгига маз-мун энди етиб борди. Вазият кескин ўзгарди, Забихулло титраб бақирди:

— Сен ҳаромиларнинг да-стидан қамалади! Ўлдир-ман, ифлослар! — У қаллоб-ларни аямай уриб, тепишга тушиб кетди.

— Забихулло, — деди Шавкат унинг қўлидан уш-лаб, — буларни милицияга топширамыз. Ҳақиқий айб-дорларни билиб қўйсин.

Икки ўртоқ балкондаги чилвирни ечиб олиб, қал-лобларнинг қўллари бег-ладилар.

— Ана энди пичоқ, хан-жарларини ёнларига солиб

қўямиз, — деди Шавкат му-ғамбирона. — Милиция то-пиб олсин.

Улар қаллобларни худди асирлардай олдиларига сол-ганча ҳайдаб чиқиб, маши-нанинг орқа ўриндиғига ўтқаздилар-да, Рухиллонинг ишхонаси томон жўнадилар.

Ишхона олдида одам кўй эди. Икки милиционер эшик тагида пойлоқчилик қилар-ди. Уларни кўрганлар ҳайрат-ланиб йўл бердилар.

— Жиноятчиларнинг ҳақиқийларини ушлаб кел-япмиз, — деди Забихулло милиционерларга.

— Киришлар! — Милици-онерлар уларни ичкарига ўтказишди.

Хона ўртасида аёлнинг мурдаси ётар, унинг атрофи-да уч-тўрт киши суҳбатла-шиб турарди. Рухилло стол-нинг девор томонида ўти-рар, қаршисида бир одам алланималарни ёзмақта эди. Ногаҳон узун-қисқа бўлиб кириб келган йигитларни кўриб ҳамма уларга ўтирил-ди. Ёзиб ўтирган одам даст ўрнидан турди.

— Нима гап? Кимсизлар?

— сўради у асабий овозда.

— Қотилликнинг асосий сабабчилари мана булар, — деди Забихулло терговчига. — Мен анаву одамнинг укаси-ман.

— Хўш, қани, гапиринг-чи. Забихулло бор гапни ай-тиб берди. Хонадагилар уни кизиқсиниб тингладилар. Уч қаллоб эса ерга қараганча миқ этмай турарди.

— Ҳаммаларини бошқар-мага олиб боринлар! — бу-юрди терговчи.

Тор хонага тикилганлар бирин-кетин чиқа бошладилар. Тўсатдан воқеани кўздан кечиришда қатнашаётган шифокор хитоб қилди:

— Ие, ие! Аёл тирик-ку! Аёл тирилди!

Овоз Рухиллонинг мияси-га шундай урилдики, у кўзлари олайганча девордан пастга секин сирғалиб ўти-риб қолди.

ГУНОХ

Ориф ФАРМОН

риб юборди. Алишнинг лаби қонаб кетди.

— Ҳа, оғирмикан, бош-қаларники ҳам шунақа оғрийди, — деди Шавкат. — Бу ҳали аяганимиз. Қани, телефон қил-чи, тез! Шу ерга етиб келсин! — У Алиш-нинг олдига бориб сочидан гижимлаб бошини деворга дукиллаб урди. — Чақира-санми, йўқми?

Алиш инқиллаб ўрнидан турди ва номер терди. Бир-пас трубкани қулоғига тутиб турган, зўрға гаплаша бош-лади:

— Алло, Миржалол, сен-мисан? Ҳа, боролмадим... Кайф ошиб... Миржалол, тез етиб кел. Ҳа, тинчлик, — у трубкани қўйди.

Ҳамма бирпас жим қол-ди. Жимликни фақат электр соатнинг тиқиллашигина бузарди. Шавкат сигарет ту-татди, қулдон излаб столда-ги ярмидан кўпроғи ичил-ган арақ шишасига кўзи ту-шиб тутоқди:

— Ифлос ҳаромхўрлар-ей! Сенларни нима деб аташни ҳам билмайди одам!

Аёл сотиб пулига арақ ичиб, овқат ейсанлар-да, а? Вой, ифлослар-ей! Эшак қуртлари!

— Ҳезалаклар! — деди За-

турди. Забихулло уни оғоҳ-лантирди:

— Уйин қилиб ўтирма та-гин, миянгнинг қатигини чиқараман! Бўл, эшикни очиб уни ичкарига кирит!

Алиш бориб эшикни очди. Забихулло эшикнинг орқа-сига ўтди.

— Кел, Миржалол, — деди Алиш ҳамтовоғи билан сўрашаркан.

— Ҳа, тинчликми? — деди Миржалол бир нимани се-зиб.

— Ҳм-м... Ўзингда-чи?

— Ҳалиги... — Миржалол эшикдан ўтдию бўйнига куч-ли мушт еб юзтубан йиқил-ди.

Забихулло унинг биқини-га тепди ва бошини оёғи билан босмоқчи бўлди. Ле-кин Миржалол илондай би-ланглаб ўтирилди-да, Заби-хуллонинг оёғини бураб юборди. Забихулло деворга урилиб йиқилди. Шунда Алиш ҳам уни икки-уч теп-ди. Шавкат ёрдамга отилди. Миржалол ёнидан чиқараёт-ган ханжарни эпчиллик бил-ан олиб қўйди. Муштлашув қизиб кетди. Иккала томон ҳам бор маҳоратларини ишга солиб муштлашардилар. Аммо Шавкат билан Заби-хулло биргаликда қўл жанг-

Жиноятчи жазосиз қолмайди

Маралхон асли туркманис-тонлик. Ҳеч қаерда ишламай-ди. Уч нафар бир-биридан ширин фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Орозмуҳам-мед ҳам бинойидек йигит. Агар улар ҳалол меҳнат қилиб пул топадиган бўлса ҳеч кимдан кам яшашмасди. Лекин Маралхоннинг нияти бошқа эди...

200 минг туркман манатига со-тиб олди-да, Туркманбоши-Тошхөвүз йўналиши бўйича қатнайдиған поездга ўтирди.

САВДОСИ ЮРИШМАГАН "САВДОГАР"

У эрта тонгдан ви-лоятнинг катта бозорига йўл олди. Бозор ҳар кунгидек гав-жум. Маралхон кўнглига туғиб қўйган ниятини амалга оши-роқчи бўлди. У сотганда мўмайгина даромад қоладиган ноёб молни топди. Аммо Мар-алхонга нотаниш бўлган со-тувчи ҳам айёрликда шайтон-га дарс берадиган чиқиб қол-ди.

— Буни Ҳоразм вилоятининг Ҳазорасп туманига олиб борол-сангиз бир неча баробар фой-да кўрасиз, — деди у молини мақтаб. — Нархидан қочманг.

— Сал арзонроқ берарсиз, — ялина бошлади Маралхон. — Ҳазорасп бозори узоқ, йўл ҳа-ражати ҳам оз кетмайди.

— Бу ноёб мол, — яна мақ-ташга тушди сотувчи. — Бун-дан арзон беришинг сира иложи йўқ. Харидоргир мол-нинг қиммати бўлмайди.

Хуллас, Маралхон минг таб-летка психотроп моддасини

Айби борнинг оёғи қалтирай-ди деганларидек, Маралхон то Ҳазораспга етгунча минг бора ўлиб-тирилди. Бахтига унинг психотроп моддасини олиб ке-таётганини ҳеч ким сезмади. Маралхон эрталаб "Қозоқ бо-зори"га етиб келди. Хаёлида каттагина фойдага кўз тикиб келган Маралхоннинг иши юришмади. Олиб келган "ноёб моли"нинг нархини жуда паст сўрашди. Савдоси юришмаган Маралхоннинг таъби хиралаш-ди. Ўз-ўзидан асабийлаша бошлади. Харидор излаб туш-гача бозор айланди. Лекин фойдаси бўлмади. Маралхон минг бир азоблар билан олиб келган молини ноилож Турк-манистонга олиб кетишга қарор қилди.

У тушлик қилиш учун бозор ошхонасига кирди. Аччиққина чой билан қуюқроқ овқат олди. Аммо иши юришмаганиданми овқат томоғидан ўтмади. Бир-

икки пиёла чой ичди. Овқатни у еридан, бу еридан чимдилаб еган бўлди. Кечкурунги презд-гача ҳали кўп вақт бор. У кечки соат 19ларда Урганч темирйўл вокзалига етиб келди. Шохбе-кат йўловчилар билан гавжум. Маралхон сабр-сизлик билан Тошхө-вүз-Туркманбоши йўналишидаги поезд-ни кута бошлади. Соат миллари тўхтовсиз юр-гани билан вақт сира ўтмаётгандек туюлди. Устига-устак тармоқ

ИИБ ходимларининг хушёрлик билан шохбекат худудини на-зорат қилиши Маралхонни эсанкиратиб қўйди. Юраги безовталаниб, оёқларидан мадор кетди. Кўзлари тиниб, оғзи қуриди. У дарҳол сумкасини кўтарганича милиция ходимла-ридан панароқ жойда кўним топди. Туркманistonлик меҳ-моннинг бу хатти-ҳаракатлари милиция ходимларида шубҳа уйғотди. Савдоси юришмаган "савдогар"нинг сумкаси кўздан кечирилганда 1000 таблетка психотроп моддаси борлиги аён бўлди. Сири фош бўлган "савдогар" Маралхон Аманна-зарованинг тақдирга тан бе-ришдан бошқа чораси қолма-ди.

Ҳоразм вилоят суди қонун-га хилоф равишда бойлик ор-ттироқчи бўлган Маралхон Аманназаровани 6 йилга озод-ликдан мажруҳ қилди.

Худойберган ЖАББОРОВ.


ҚИДИРИЛМОҚДА

Сариосиё тумани ички ишлар бўлими томонидан куйидаги шахслар жиноят содир этиб тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.



Хамойиддин Нийёзмуродович Давлатов, 1971 йилда туғилган, миллати тожик, Сариосиё тумани Галаба қишлоғида яшаб келган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, қошлари қора, ёйсимон, сочлари қора, тожик ва ўзбек тилларида раван гаплашади.



Алишер Жўраевич Умаров, 1969 йилда туғилган, миллати ўзбек, Сариосиё тумани Тинчлик қишлоғида яшаб келган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, озгинроқ, сочлари қора, қошлари қора, ёйсимон, соқолини ўстирган бўлиши мумкин.




Бахриддин Мاستапович Муслихидинов, 1979 йилда туғилган, миллати тожик, Сариосиё тумани Янги ҳаёт қишлоғида яшаб келган.

Белгилари: бўйи 160-170 см, ўртача гавдали, сочлари қора, қошлари қора, қалин ва ёйсимон, бурни каттароқ.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган ёки қаерда эканлигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Сариосиё тумани ички ишлар бўлими томонидан куйидаги шахслар жиноят содир этиб тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.



Иноятулло Саъдуллаевич Абдуллаев, 1966 йилда Сариосиё туманида туғилган, миллати тожик, Сариосиё тумани Деҳқонobod қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, озгинроқ, оқ юзли, сочлари қора, қошлари қора, ёйсимон.



Мансур Абдуманнопович Юнусов, 1977 йилда туғилган, миллати ўзбек, Сариосиё тумани Шоқишлоқ қишлоғида яшаб келган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, сочлари қора, қошлари қалин, ёйсимон, оқ юзли.



Мусурмон Шодиевич Мирзаев, 1972 йилда туғилган, миллати ўзбек, Сариосиё тумани Шарғун шаҳри Шахтёрлар кўчаси 68-уй 1-хонада яшаб келган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, қора юзли, қошлари қора, ёйсимон, ўнг оёғи оқсаб юради.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган ёки қаерда эканлигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ЦИКЛОКРОССВОРД

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:

1. Газета рукнидан: "Бош ... минбари". 2. "Постда" газетасида фаолият кўрсатган муҳаррир. 3. Ҳал этилиши лозим бўлган муаммо, вазифа. 4. Мамлакатимизда ўтказилган Оила йилига бағишлаб тайёрланган саҳифа номидан: "Муқаддас ...". 5. Қувончли кун муносабати билан бериладиган табрик рукни. 6. Бедарак йўқолганларга оид маълумот. 7. Ўтганларни хотирлаш мавзуи. 8. Муштарийларнинг дил изҳори. 9. Маълум бир фаолиятга чақирув рукни. 10. Азалдан ўтиб келётган удум, одат. 11. Республика Ички ишлар вазирлиги журнали. 12. ДАН фаолиятига оид рукнидан: "Диққат...!". 13. Ўзбекистон Республикаси нишонларидан бири. 14. Газетанинг бир томони. 15. Жонли мулоқот асосида юзга келувчи мақола. 16. Матни нашрга тайёрлаш, ўрганиш. 17. Мунтазам ёритиладиган журналистик асар. 18. Президентимизнинг қонун кучига эга бўлган буйруғи. 19. Газета нашр этилиши билан боғлиқ шаҳар. 20. Рукнлардан бири: "... ва жазо". 21. Адоват кушандаси. 22. Газета саҳифаларини безатувчи. 23. Мушкул шароитда жасорат, ғайрат кўрсатиш.


КРИПТОГРАММА

Очқич сўзлар:

1. "Постда" газетасида етмишинчи йилларда фаолият кўрсатган таржимон - 8, 6, 10, 19, 3, 3, 8, 11, 13.
2. Мучал ҳисоби бўйича газета нашр этила бошланган йил номи - 4, 17.
3. Инсоннинг хайрли, савобли фаолияти - 25, 23, 5, 19, 3, 2, 9.
4. Шамсия йил ҳисоби бўйича газетанинг биринчи сони босилиб чиққан ой - 12, 8, 13, 7.
5. Қарор топаётган азалий урф-одат, анъаналаримиз мажмуи - 14, 8, 10, 7, 2, 18, 17.
6. Газетада ёритиладиган инсон ва жамиятнинг фаолияти ва яшаш йўсини - 20, 8, 21, 17.
7. Дам олиш саҳифасида бериладиган кичик асар - 15, 8, 1, 10, 8.
8. Транспорт воситалари ҳаракати назоратчисининг иш жойи - 9, 22, 26, 8.
9. Ўн икки ойдан бири - 24, 8, 16.

Энди очқич жавоблари асосида шаклнинг атрофи ва ўрта қисмидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, криптограммани ҳал этинг. Уларни йўналиш бўйича ўқиш билан Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов осойишталик посбонларига бағишлаб ёзган шеърдан тўрт мисраси аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.



ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СониДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Бўйига: 1. Салор. 2. Чапак. 3. Тобол. 4. Тир. 5. Роҳат. 6. Томон. 7. Винер. 8. Бенин. 9. Мамай. 10. Безорилик. 12. Лимон. 13. Фарадей. 14. "Дилором". 16. Радикал. 17. Рубоб. 18. Тибет. 19. Матал. 22. Мот. 23. Нок. 29. Могор. 31. Сепоя. 33. Витим. 35. Черик. 36. Бас. 38. Минус. 39. Наган. 41. "Бобом". 42. Чорик. 44. Лок.

Энига: 3. Татар. 6. Толипов. 8. Бобораҳим. 10. "Бемор". 11. Канал. 13. Фенол. 15. Темир. 17. Разин. 18. Тим. 20. Раман. 21. Турон. 22. Милан. 24. Йод. 25. Бар. 26. Боботоғ. 27. Ниш. 28. Ходим. 30. Терак. 32. Белов. 34. Тол. 35. Чебан. 37. Йигим. 39. Непал. 40. Котиб. 42. Чарос. 43. Ринология. 44. Муборак. 46. Сокин.

Спорт

ХОРАЗМДА СПОРТ БАЙРАМИ

Вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ходимларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетиқ бўлишлари, касбий маҳоратларини муттасил ошириб боришлари учун турли хайрли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида ички ишлар идоралари ходимларидан 23 нафари спорт усталигига номзод, уч нафари эса спорт устаси бўлди. Милиция ходимларидан 14 нафари биринчи, 42 нафари иккинчи ҳамда учинчи разряд талабларини бажарди. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ўтган 1999 йилда ички ишлар идораларига 74 нафар спорт усталари ва спорт усталигига номзодлар ишга қабул қилинди. Вилоятда спорт мусобақаларини оммавий равишда ўтказиш давом этмоқда. Ўтган шанба куни вилоят ИИБ ўқув марказида ички ишлар идоралари ходимларининг спорт байрами бўлиб ўтди. Бу тадбирда вилоят ИИБ ҳамда шаҳар ва туман ИИБ ходимларидан иборат спортчилар иштирок этишди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ўтган 1999 йил Хоразм вилоят ИИБ спортчилари учун омадли йил бўлди. Футболчилар Тошкент шаҳрида марҳум, милиция генерал-майори Комилжон Гофуров хотирасига бағишлаб ўтказилган анъанавий мусобақада фаол иштирок этиб, фахрли тўртинчи ўринни эгалладилар. Милиция старшиналари Тоҳир Бобожонов ва Алишер Йўлдошевлар Сингапурда ўтказилган самбо бўйича Осиё чемпионатида қатнашиб, бронза медалини кўлга киритишди. Мохир спортчимиз Алишер Йўлдошев Испанияда ўтказилган жаҳон биринчилигида Ватанимиз шаънини ҳимоя қилиб, фахрли ўринга сазовор бўлди. Йил якунига бағишлаб ўтказилган кўл жанги бўйича халқаро мусобақада вилоят ИИБ ўқув маркази ўқитувчиси, милиция катта лейтенанти Юсуфбой Сапов 70 килограмм вазнда биринчи ўринни эгаллаб, халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига сазовор бўлди ва Украинада ўтказилган халқаро беллашувда қатнашиб ҳуқуқини кўлга киритди. Урганч шаҳар ИИБ ходими, милиция старшинаси Озод Диванов ҳам халқаро мусобақада фахрли иккинчи ўрин билан қайтди.

Байрам мусобақаларини Хива ҳамда Қўшқўпир туманлари ИИБ спортчилари арқон тортиш баҳси билан бошлаб беришди. Спортчилар арқон тортиш, тош кўтариш, турникда тортилиш, кўл жанги, турли масофаларга югуриш ҳамда футбол беллашувларида ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Кескин бахслар асосида ўтган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида вилоят ички ишлар бошқармаси биринчи, Урганч шаҳар ИИБ иккинчи, Хива туман ИИБ спортчилари эса учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

Ғолиблар вилоят ИИБ томонидан Фахрий ёрликлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ҳ. ЖАББОРОВ.

Самарқанд вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ШТБИХ катта инспектори милиция майори Салоҳиддин Зоҳидовга укаси

Бахтиёр ЗОҲИДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI

ҚҲЙ (21 март - 20 апрель). Ҳафтанинг бошида ўз раҳбарингизга баҳо берганда жуда хушёр бўлинг. Чоршанба-пайшанба кунлари сизни ташвишга солаётган молиявий масала муваффақиятли ҳал этилади. Дам олиш кунлари уй юмушлари билан банд бўласиз.

СИГИР (21 апрель - 21 май). Душанбадан чоршанбагача қийин ишни удалайсиз. Пайшанба-жума кунлари ижодий фаоллик-кутилмоқда. Шанба куни олисдан хушxabар эшитасиз. Якшанба кунги ишқий саргузашт узоқ вақт ёдингизда қолади.

ЭГИЗАКЛАР (22 май - 21 июнь). Сешанба ва жума кунлари саломатлигингизнинг бироз ёмонлашиши белгиланган режаларингизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Чоршанба куни бировга тегишли муаммони ҳал этасиз. Шанба куни ҳеч кимга, ҳатто яқин дўстларингизга катта миқдорда қарз берманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь - 23 июль). Ҳафтанинг бошида узоқ сафарларга бормасликни маслаҳат берамиз. Зеро, жароҳат олишингиз эҳтимолдан холи эмас. Жума кундан бошлаб таваккал ўтказилаётган ҳар қандай тадбирда бемалол иштирок этаверинг. Омад сиз томонда. Якшанба куни эски кадрингиз ўзидан хабар беради.

АРСЛОН (24 июль - 23 август). Душанба-сешанба кунлари раҳбарлар билан мулоқотда имкони борича ўзингизни кўлга олиб, сабр-тоқатли бўлинг. Бундай дипломатик муносабатлар мавқеингизга ижобий таъсир кўрсатади.

БОШОҚ (24 август - 23 сентябрь). Сешанба куни ташкилотчилик қобилиятингизни намойиш этасиз. Ғаройиб ишқий саргузашт пайшанба куни бўлиб ўтади. Жума кунги молиявий ютуқдан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Дам олиш кунлари саломатлигингизни яхшилашга вақт ажратинг.

ТАРОЗИ (24 сентябрь - 23 октябрь). Ҳафтанинг бошида эътиборли инсон билан танишишга муваффақ бўласиз. Чоршанба-пайшанба кунлари қўтилаётган молиявий тадбирларга пухта тайёргарлик кўринг. Зеро, уларда сиз илгари сезмаган талайгина "сув ости оқимлари" бўлиши мумкин.

ЧАЁН (24 октябрь - 22 ноябрь). Душанба - барча муносабатларда муваффақиятли кундир. Сешанба куни дўстларингиз билан бўлиб ўтадиган учрашув катта қувонч келтирарди. Жума куни ижодий фаолликка эришасиз. Шанба куни янги танишларингиз томонидан алданиб қолишингиз мумкин. Эҳтиёт бўлинг.

ЁЙ (23 ноябрь - 21 декабрь). Сешанба-чоршанба кунлари сизга фойдали амалий таклифни айтишди. Бироқ унга дарҳол рози бўлманг. Ушбу битимда иштирок этишингиз аввалдан белгиланган режаларингизни барбод этади. Якшанба куни кўнглили ишқий кеча бўлиб ўтади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь - 20 январь). Сизнинг меҳнат фаоллигингиз ҳафтанинг бошида моддий рағбат келтирарди. Пайшанба-жума кунлари соғлигингизни яхшилашга эътибор беринг. Дам олиш кунлари талайгина янгиликлардан воқиф бўлиб, узоқ қариндошларингиздан хушxabар эшитасиз.

ҚОВҒА (21 январь - 19 февраль). Ушбу ҳафта ҳаммасларингиз ўртасида келишмовчилик келиб чиқиши билан бошланади. Яқин кишингиз сешанба куни ўзига эътибор қаратишингизни талаб қилади. Пайшанба ва шанба кунлари ижод билан боғлиқ ишларингиз юришади. Якшанба куни яхши харид қўтилмоқда.

БАЛИҚ (20 февраль - 20 март). Сешанба ва пайшанба кунлари молиявий тадбирда иштирок этганда эҳтиёт бўлинг. Катта миқдорда пул топишга уринишингиз зое кетади. Ҳафтанинг охирида янги машғулота қизиқиш қилишингиз теvarагингиздаги кишиларнинг тийбати учун яхшигина мавзу бўлиши мумкин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1



Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Muharrir Erkin SATTOROV (Bosh muharrir o'rinbosari v.b.)

Navbatchi: S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar: M. AKRAMOVA, G. XOLIQOVA
Sahifalovchi va dizayner: A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari - 139-77-23.
muxbirlar bo'limi 139-75-69.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91, peyjer: ... (088) 36-97, 55-19.

Elektron pochta postmaster@urmvd.co.uz

Bizning hisob raqamimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob - kassa markazida: 21506000200447980001, MFO 00014.

• Ko'chirib bosishda «Postda» dan ekanligini ko'rsatish shart

• Maqolada faktirtilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.

• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Ro'yxatdan o'tish tartibi № 00007. Buyurtma № 382. Hajmi - 4 bosma taboq. Bosilish - ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti - 19.00. Bosishga topshirildi - 19.00.

Obuna raqami - 180

103609 nusxada chop etildi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa konserni bosmaxonasi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.